



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 21 февраль, № 36 (9207)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни АҚШнинг Вашингтон шаҳрига амалий ташрифдан сўнг Тошкентга қайтиб келгач, Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Қорақалпоғистон ўзининг улкан майдони ва қазилма бойликлар захираси билан катта иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятга эга. Хусусан, 270 миллион тонна цемент, 256 миллион куб метр қурилиш ва пардозбоп тошлар, 200 миллион тонна оҳак, 31 миллион куб метр керамзит, 30 миллион куб метр қурилиш қумлари, 27 миллион куб метр фишт хомашёси, 6,9 миллион тонна шиша, 6,5 миллион тонна гипс, 4,3 миллион тонна вермикулит захиралари аниқланган.

Шу билан бирга, шаҳар ва туманлар, овуллар ўртасидаги масофа узоклиги ҳар бир ҳудуднинг солиштирма устунигидан унумли фойдаланиб, аниқ ҳисоб-киتاب билан ишланиш тақозо этади. Умуман, қаерда соғлом муҳит, қулай шароит, адолатли ва шаффоф тизим бўлса, тadbirkor ўша жойда ишлашни хоҳлайди, инвестор ҳам ана шундай ҳудудга маблағ тикиди.

Тақдимотда сўнгги йилларда Қорақалпоғистон иқтисодиётида сезиларли ўзгаришларга эришилгани қайд этилди. Жумладан, 8 йил олдин ҳудуд иқтисодиёти аҳоли жон бошига ҳажм бўйича энг охириги ўрнида бўлган бўлса, бугун 7-ўринга кўтарилди. Саноат маҳсулотининг атиги 4 фоизи экспортга чиққан бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 30 фоизга етди. Умумий экспорт 2016 йилдаги нисбатан 3,5 карра ошиб, 2,1 миллиард доллар бўлди.

Келгуси 5 йилда ҳудуд иқтисодиёти 102,5 триллион сўмга (2025 йилда 54,3 триллион сўм бўлган), аҳоли жон бошига эса

51 миллион сўмга етказиш, саноат ва хизматлар соҳасида 7,2 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Барча имкониятларни ишга солиб, саноат, хизматлар ва туризм экспортини 900 миллион долларга етказиш муҳимлиги таъкидланди (2025 йилда 435 миллион доллар бўлган).

Жорий йил якунига қадар ишсизлик даражасини 4,2 фоизга, камбағалликни 3,2 фоизга пасайтириш, Нукус шаҳри, Қўнғирот ва Чимбой туманлари ҳамда 109 та маҳаллани ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилинган. Қўшимча равишда "оғир" тоифадаги Бўзатов, Қонлиқул, Мўйноқ ва Шуманай туманлари ҳамда 90 та маҳаллада камбағалликни 2 баробар қисқартириш вазифаси қўйилди.

Тақдимотда инвестицияларни жалб қилиш ва тadbirkorликни ривожлантириш мақсадида ҳудудга аввал берилган имтиёзлар муддатини узайтириш тақдир билдирилди. Президентимиз ушбу тақдирни қўллаб-қувватлади.

Қорақалпоғистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини 2,5 баробар ошириш (2025 йилда 2,5 миллиард доллар бўлган) мақсад қилинган қайд этилди.

Ҳудуд учун ишлаб чиқилган йirik инвестиция лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Сунъий интеллект соҳаси учун Таҳиятош туманида модулли интеллектуал ҳисоблаш маркази

ни ташкил этиш, Нукус шаҳрида автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган технологик кластер барпо этиш, базальт толаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, чиқиндиларни куйдириш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш, Қораўзак туманида қўмирдан олтин ажратиб олиш фабрикаси, Тахтақўпир туманида пахта тозалаш ва йиғириш фабрикаси, Чимбой туманида калава ип ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳалари шулар жумласидан.

Қишлоқ хўжалиги бўйича Қорақалпоғистонда мавжуд ер ресурсларидан фойдаланиш даражаси ҳудуд имкониятларига мос эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Мавжуд майдонларнинг атиги 2,5 фоизга экин экилаётгани, қолган 16 миллион гектар деярли ишлатилмаётгани қайд этилди. Иқлимга мос янги экин турларини топиб, уларни етиштириш бўйича илмий-амалий тажрибаларни йўлга қўйиш, сувсизлик ва шўрга чидамли, шу жумладан, фармацевтика саноати учун до-ривор гиёҳларни катта майдонларда етиштириб, экспортни кўпайтириш вазифалари белги-ланди.

Ййловлардан самарали фойдаланиш ва чорвачиликни ривожлантириш бўйича Вазирлар Кенгаши раисининг алоҳида ўрин-бораси лавозимини киритиш тақдир қилинди. Жорий йилда 10 минг гектар яйловни тиклаш, ўсимликларни сунъий интеллект асосида мониторинг қилиш, ка-салликларни эрта аниқлаш ҳамда

суб тежовчи технологияларни жорий этиш вазифалари қўйилди.

Жорий йилда Қўнғирот, Чимбой, Беруний, Бўзатов ва Қонлиқулда чорва озукасини етиштириш, сақлаш ва қадоқлаш Қорақалпоғистонда 1 миллион долларлик 10 та стартап лойиҳасини бошлаш, бу мақсадларга Илм-фан ва инновациялар жамғармасидан ҳар йили 30 миллиард сўмдан ажратиб бориш

тўпланиди.

2027 йил якунига Қўнғирот-да халқаро стандартларга жавоб берадиган "қуруқ порт" мақомига эга Орол логистика марказини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда Қорақалпоғистондаги инфратузилма лойиҳалари учун 150 миллиард сўм, келгуси йилларда марказлашган ичимлик суви таъминотини яхшилашга 2,2 триллион сўм йўналтирилиши, ичимлик суви ва канализация тармоқлари, сув тақсимлаш ва тозалаш иншоотлари ҳамда йўл қурилиши лойиҳаларига 200 миллион доллар жалб қилиниши белгиланди.

Ййгилиш якунида Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонда белгиланган марраларга эришиш учун барча имконият ва ресурсларни тўлиқ ишга солиш, ҳар бир туман ва маҳаллада аниқ ҳисоб-китоб ҳамда манзилли ёндашув асосида иш ташкил этиб, аҳоли турмуш сифатини яхшилашга қаратилган чораларни амалга ошириш натижасини тезроқ таъминлаш бўйича му-тасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Ў.А.

Дунё нигоҳи

Ўзбекистон халқаро мураккаб муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшмоқда

Ўзбекистон Президентининг 17 — 19 февраль кунлари АҚШга амалий ташрифи якунлари бўйича хорижий экспертлар муносабати

Нина ЛИНДЕ, Латвия иқтисодиёт институти директори:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тинчлик кенгаши ййгилишида иштирок этиш учун Америка Қўшма Штатларига ташрифи Ўзбекистоннинг халқаро позициясини мустаҳкамлаш ҳамда глобал осойишталик ва барқарор ривожланиш кун тартибидан илгари суришдаги ролини оширишда муҳим қадамдир.

Акс садо

Ўзбекистоннинг жаҳондаги нуфузи ва фаол позицияси

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи ҳамда Тинчлик кенгаши биринчи саммитидаги иштироки мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги муҳим воқеалардан бири сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Бу нафақат Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, балки мамлакатимизнинг халқаро тинчлик, барқарорлик ҳамда иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги фаол ва ташаббускор позициясини яна бир бор намоён этди. Халқ вакилларининг муносабатлари шу ҳақда.

2-саҳифага қаранг.

Ўрганиш

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШ — ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ Самарқанд вилоятида бўлиб, ҳудудларда амалга оширилаётган ислохотлар ва инвестиция лойиҳалари билан танишмоқда.

Ишчи гуруҳ дастлаб Каттақўрғон давлат педагогика институти фаолиятини кўздан кечирди. Утган йиллар мобайнида амалга оширилган қурилиш ишлари доирасида 1000 ўринли янги ўқув биноси ҳамда 500 ўринли талабалар тураржойи барпо этилган. Айни пайтда институтда физика, кимё, биология ва "STEAM" лабораториялари ёшларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштириш имконини бермоқда. Мулоқотлар чоғида таълим сифатини ошириш, илмий салоҳиятнинг мустаҳкамлаш ва ҳудуд эътиёжларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шундан сўнг "Afrosiyob jeans" МЧЖ Иштихон филиали фаолияти билан ҳам танишилди. Корхона йилига 714 минг дона жинси маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга. Лойиҳа доирасида 170 та янги иш ўрни яратилган. Сенаторлар ишлаб чиқариш жараёни, меҳнат шароитлари ва экспорт географияси юзасидан фикр алмашди.

Бундан ташқари, шу ернинг ўзига туманда барча соҳани рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати ҳам тақдим этилди. Рақамлаштириш орқали аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ортиқча қоғозбозликни қисқартириш ва шаффофликни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Ташриф доирасида Кўктепа маҳалласида "маҳалла еттичилиги" аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари

билан очик мулоқот ташкил этилди. Учрашувда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини қийнаётган муаммоларни тизимли ҳал қилиш, ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти юзасидан фикрлашилди.

Ишчи гуруҳ Пайариқ туманида янгидан қурилган Имом ал-Бухорий мажмуасида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларининг бориши билан ҳам қизиқди. Мавлудим, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда мажмуани янада ободонлаштириш, унинг инфратузилмасини замонавий талаблар асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда Хусусан, рақамли ахборот ва навигация тизимларини жорий этиш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш, зиёратчилар оқимини кенгайтириш, транспорт ва сервис хизматларини такомиллаштириш бўйича кенг қўламдаги ислохотлар амалга оширилган.

Сенат Раиси ҳудудларда таълим сифатини юксалтириш, замонавий иш ўринларини яратиш ва рақамли бошқарув тизимларини кенг жорий этиш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга, аҳоли фаровонлигини оширишда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди. Мутасаддиларга илғор тажрибани кенгайтириш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва белгиланган вазифалар ижросини қатъий назоратга олиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

«Халқ сўзи».

Тадбир

ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЕХХТ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ҚИШКИ СЕССИЯСИДА ҚАТНАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегацияси Вена шаҳрида бўлиб ўтган ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг қишки сессиясида иштирок этди.

Сессия доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари томонидан мамлакатимизда фан ва таълимни ривожлантириш, инновацияларни кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларига замонавий илмий-технологик ютуқларни татбиқ қилиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Сенаторлар ва депутатлар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида олиб борилаётган ислохотлар, "яшил" иқтисодиётга ўтиш жараёнлари, экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий чоралар

юзасидан батафсил ахборот берди.

Ташриф доирасида икки томонлама қатор учрашувлар ҳам ўтказилди. Жумладан, Австрия парламенти раҳбарияти, АҚШ Конгресси Сенати вакиллари, Швеция парламенти аъзолари, ЕХХТ ҳамда Туркий давлатлар ташкилоти Парламент Ассамблеялари бош қотиблари ва бошқа расмий вакиллар билан самарали мулоқотлар бўлиб ўтди.

Учрашувлар довомида парламентларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ташаббусларни кенгайтириш, шунингдек, мавжуд алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

МИЛЛАТНИНГ ГЕНЕТИК КОДИ ВА ТАРИХИЙ ХОТИРАСИ

Бугунги глобаллашув ҳамда рақамлаштириш жараёнлари жаддалашган даврда она тилининг ўрни ва аҳамияти янада долзарб тус олмақда. Дунё халқлари кечмиши, айниқса, XX аср тарихини кузатар эканмиз, уларнинг кўпчилиги ўз миллий мустақиллиги учун ҳаракатни ўз она тилига давлат тили мақомини бериш учун курашдан бошлаганига гувоҳ бўламиз.

Бугун — Халқаро она тили кун

21 февраль — Халқаро она тили кун сифатида белгиланишининг тарихи ҳам айнан шу оми билан боғланади. 1952 йил худди шу кун Бангладешнинг Дакка шаҳрида рўй берган қонли воқеаларда ўз лисонини ҳимоя қилиш мақсадида намойишга чиққан талабалар полиция ўқлари остида қолиб, ҳалок бўлди. Улар ўз она тилини мамлакатнинг давлат тили сифатида тан олинишини талаб қилишганиди. Мазкур талабаларнинг хотираси учун 21 февраль — Халқаро она тили кун сифатида 1999 йил ноябрь ойда ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси томонидан эълон қилинган ва 2000 йил-

дан бери ҳар йили тиллар, маданий хилмаҳиллик ҳамда кўп тиллилигини тарғиб қилиш мақсадида нишонлаб келинмоқда.

Бугунги кунда она тилини сақлаш, уни замонавий фан, технология, таълим, сунъий интеллект, рақамли платформалар ва глобал коммуникация майдонларига мослаштириш долзарб масалага айланган. Яъни ўз лисонини сақлаб қолиш, унинг соҳаларда қўлланишини таъминлаш, таълим, илмий жараёнларда етакчилик қилишга эришиш катта муаммолардан ҳисобланади.

4

УЙ-ЖОЙ ИПОТЕКАСИ УЧУН

Аҳоли эътиёжидан келиб чиқиб, иқтисодиётда энг катта талаб яратадиган уй-жой ипотекасига жорий йилда **23 триллион сўм** ресурс ажратилади.

2026 йилда 140 мингта квартиралари кўп қаватли уй-жой барпо этилиши инобатга олинган ҳолда 2025 йилги 104 триллион сўм ўрнига

125 триллион сўмлик истеъмол кредити йўналтирилади.




Уй-жой сотиб олишда бошланғич ва фоиз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун

2 триллион 700 миллиард сўм субсидия берилади. Шунингдек, битта квартира учун ажратиладиган имтиёзли ипотека кредити микдори **15 фоизга** оширилади.

Умуман, бу йилда қурилиш ишлари ҳажмини **11 фоизга кўпайтириб, 30 миллиард долларга** етказиш режалаштирилган.

ФАКТВАРАҚАМЛАР



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан.

НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛГАН ИМОРАТНИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИШ ОСОНЛАШАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама этилди.

Сенат қўмиталарида



Сенаторлар кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, жисмоний ва юридик шахслар томонидан қурилган қўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириладиганини таъкидлаб ўтди.

Қўмита аъзоларининг фикрича, ушбу қонун ўзбошимчилик билан ағаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисидаги Қонунга асосан белгиланмоқда.

Мазкур қонун билан амалдаги қонунчилик ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ ҳужжатларни кўриб чиқиш мuddатларини қисқартиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилиши, шунингдек, "солиқ қарздорлиги" туншунчаси очиб берилмоқда. Бушундан ташқари, ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф қилиш учун бир марталик тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби ва шартлари белгилаб берилмоқда, ҳуқуқларни эътироф этиш ишлари билан боғлиқ шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари ҳам такомиллаштирилади.

Кўмита аъзоларининг фикрича, ушбу қонун ўзбошимчилик билан ағаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисидаги Қонунга асосан белгиланмоқда.

Шунингдек, қўмитада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси ҳам дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Йиғилишида таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимиз-

да инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Омбудсман институтининг ўрни ва аҳамияти изчил ортиб бормоқда. Фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар сони, кўриб чиқилган масалалар кўлами ва бу борада эришилган натижалар шундан далolat беради. Бу эса Омбудсман институти аҳоли учун ҳақиқий ва таъсирчан ҳимоя механизмига айланиб бораётганини кўрсатмоқда.

Сенаторлар Омбудсман томонидан 2025 йилда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган, жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Утган йилда Омбудсманга иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар бўйича 7 584 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг аксарияти Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳрига тўғри келади.

Мурожаатлар асосида 2025 йилда ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйилиши муносабати билан компенсация тариқасида тўлашни лозим бўлган 3,9 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ҳамда иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ мурожаатлар юзасидан 2,3 млрд. сўм миқдорда пул маблағини фуқаролар ҳисобига ундиришга кўмаклашилган.

Муҳокама якунида кўриб чиқилган масалалар юзасида қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатор ва ҳаёт

ТИББИЙ СУҒУРТА АСОСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҲОЛАТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Орал Атанязова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Навоий вилоятида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг янги тизими жорий этилиши ҳамда тиббиёт муассасаларини Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали молиялаштириш амалиётини ўрганди.

Маълум бўлишича, 2025 йил 1 июлдан вилоятда давлат тиббий суғуртаси механизмлари босқичма-босқич жорий этилган. Утган йилда 61 та давлат тиббиёт муассасаси билан 1,4 трлн. сўмлик тиббий хизматлар хариди бўйича шартномалар тузилган ва ушбу шартномаларга мувофиқ бирламчи тиббиёт муассасалари аҳоли жон бошига, шифохоналар эса даволанган ҳолатлар ҳажмига қараб молиялаштирилмоқда.

Реимбурсация дастури асосида ҳисобот даврида 142 минг беморга дорихоналардан бепул берилган 28 турдаги дори воситаларининг қиймати нисбатан 4,2 млрд. сўм дорихоналарга тўлаб берилган.

Аҳолининг 95 фоизи оилавий поликлиникалар кесимида "DMED" ахборот тизимига бириктирилиб, оилавий поликлиника ва фуқаро ўртасида шартно-

мавий муносабатларни йўлга қўйиш бошланган. Урганишлар чоғида аҳолининг кафолатланган пакет доирасида бепул тиббий хизматлардан фойдаланиши, профилактика куриклардан ўтиш ҳолати, электрон йўланма ва электрон рецетп тизимларининг амалиёти ҳамда беморларни тор мутахассисларга йўналтириш жараёнини таҳлил қилинди.

Шунингдек, аҳолини бепул дори воситалари олиш тартиби ҳақида хабардор қилишда патронаж ҳамширалар ва бирламчи тиббиёт ходимлари фаолигини кучайтириш юзасидан таъсирлар берилди. Ишчи гуруҳ томонидан тиббиёт муассасаларининг замонавий тиббий ускуналар, ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлангани ҳамда бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилингани ҳам кўздан кечирилди.

«Халқ сўзи».

ВАТАНИМИЗНИНГ ГЕОСИЁСИЙ МАЙДОНДАГИ ОБРЎСИ ОРТМОҚДА

Тинчлик кенгашининг асосий мақсади — Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштириш, Ҳазо секторига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш ва уни қайта тиклашдан иборат.

Муносабат

Энг муҳими, бундай эзгу мақсадга халқро ҳамжамиятнинг ҳаракатларини бириктириш орқали эришиш Ўзбекистоннинг бугунги кунда олиб бораётган тинчликпарвар сиёсатига тўла мос келади.

Вашингтонда бўлиб ўтган Тинчлик кенгашининг биринчи йиғилишида Ҳазо сектори сосийш-талиги ва тараққиётига доир аниқ чора-тадбирлар белгилангани реал таъсир кучига эга яна бир халқро ташкилот юзига калаётганлигидан дарак бераётди.

Ҳазода тинчлик барқарор бўлиши, Фаластин халқи чекаётган қулфатларга барҳам бериш, давлатимиз ҳам фаол қатнашади. Чунончи, давлатимиз раҳбари мувофиқлаштирилган сай-ҳаракатларига вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилишни билдирган экан, Ўзбекистон ҳудудда мактаб, боғча ва шифохоналар қуришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Ҳудди шундай, Президентимиз ҳар қандай ташқи бошқарув механизми сектор аҳолисининг ички

кўллаб-қувватловига асосланиши кераклигини таъкидлаб, орқали халқимизнинг Яқин Шарқда тинчликни таъминлашга оид позициясининг қатъийлигини намоён этди. Бу каби халқро ташкилотларга аъзолик мамлакатимизни кучли таъсир доирасига эга давлатлар билан тенг муносабатда бўлиш, сиёсий ва иқтисодий номуносабиликлар юзига келганда мувозанатни ушлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг Вашингтонга ташрифи иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кучайтиришда ҳам омил бўлди. Зеро, Президентимиз Тинчлик кенгашидан бир кун олдин АҚШ ишбилармон доиралари раҳбарлари билан учрашди. Бу жараёнда икки давлат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 2025 йилда 1 млрд. доллардан ортигани эътироф этилар экан, иқтисодий муносабатларни янги



босқичга кўтариш юзасидан таклифлар билдирилди.

Мазкур жараёнда мамлакатимизнинг ЖСТГА қўшилиши, маҳсулотларни барқарор етказиб бериш, техник тартибга солиш, рақамли савдога оид минтақавий ёндашувларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди. Ҳудди шундай, ёнлиги қуйиш шохобчалари тармоғини қуриш, ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий этиш, муҳим минералларни қазиб олиш ва етказиб бериш, паррандачилик кластерини ташкил қилиш, агросаноат ҳамда молия бозорини ривожлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича икки томонлама ҳужжатлар имзоланган.

Кези келганда айтиш керак, мамлакатимизда Америка капитали бор корхоналар сони 336 тани ташкил этмоқда. Вашингтон шаҳрида ишбилармонлар билан ўтказилган мулоқотлар бу йўналишдаги кўрсаткичлар янада ортишига ишора қилаётди. Бу эса АҚШ билан стратегик шериклигимиз тобора кучайишидан далolat беради.

Нусратулло ПАРДАЕВ, Ўзбекистон Қасбага уюшма Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Федерацияси Жизнас уюшма Кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ВАКИЛЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилишида қатор муҳим қонунлар муҳокама қилинди.

Мажлис кун тартибига кўра, дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтиришга ҳамда таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун билан Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари вакилларига таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламадан ариза, шикоят ва даъволар тақдим этиш, суд мажлисларида уларнинг вакили бўлиш ҳуқуқи берилмоқда, шунингдек, реабилитация дав-

рида иш ҳақи сақланган қўшимча таътил механизми жорий қилинмоқда.

Қонунга кўра, ота-она вақтинча яшаш жойида бўлмаган тақдирда вазийлик ёки ҳомилий масалалари боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади. Шунингдек, фарзандликка олиш ишлари судда кўриб чиқилаётганда боланинг яшаш жойидаги вазийлик ва ҳомилий органлари болаларнинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда судга ҳулоса тақдим қилиши лозим.

Мажлисида "Маъданий мерос соҳасидаги давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокамага тортилди.

Президентимизнинг 2023 йил 25 январдаги тегишли фармонида мувофиқ Маъданий мерос агентлиги мустақил республика ижро этувчи ҳокимияти органи сифатида белгилангани таъкидланди.

Шу боис маъмурий ислохотлар доирасида қатор республика ижро этувчи ҳокимияти органларининг трансформация қилиниши муносабати билан қонунчилик ҳужжатларига уларнинг расмий номларини аниқлаштиришга қаратилган тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур қонун маъданий мерос бўйича республика ижро ҳокимияти органларининг яхлит тизимини шакллантириш ҳамда соҳадаги қонун ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қўмита қарори билан қонунни маъқуллаш тўғрисидаги ҳулоса қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистоннинг жаҳондаги нуфузи ва фаол позицияси

Бағрикенглик — тинчликнинг бош мезони

Робохан МАҲМУДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси раҳбари:

— Президентимизнинг Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган Тинчлик кенгаши биринчи саммитидаги иштироки мамлакатимиз ташқи сиёсатида муҳим давр бошланганлигидан дарак беради. Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар мамлакатимизнинг халқро майдондаги нуфузи, очик ва мувозанатли дипломатияси, тинчликпарвар сиёсати изчил давом этаётганини яна бир бор намоён қилди.



Президентимиз ўз нутқида, аввало, Тинчлик кенгаши Ҳазо минтақасини иқтисодий ва ижтимоий қайта тиклаш учун муҳим платформага айланишига ишонч билдирди. Шунингдек, ҳар қандай ташқи бошқарув механизми сектор аҳолисининг ички қўллаб-қувватлашига таяниши лозимлигини таъкидлади. Бу қатъий позиция халқро ҳуқуқ нормалари, суверенитет ва халқ иродасига ҳурмат таъминлашга таянади.

Дарҳақиқат, барқарор тинчлик ташқи кучлар қарори билан эмас, маҳаллий аҳоли ишончи ва розилиги асосида барпо этилади. Зеро, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эътироф этмай туриб, ҳақиқий адолатга эришиб бўлмайд.

Президентимиз Ҳазо ҳудудда тураржой, болалар боғчаси, мактаб ва шифохоналар барпо этишга мамлакатимиз ҳам ҳисса қўшилишни билдирди. Бу, бир жиҳатдан, юртимизнинг гуманитар диплома-

Барқарор иқтисодий ривожланиш учун катта имконият

Шарофиддин НАЗАРОВ, Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси:

— Президентимизнинг АҚШга амалий ташрифи глобал тинчлик ва барқарорликка дахлдор долзарб масалалар муҳокама қилинаётган тарихий жараённинг бир қисми ҳисобланади.



Ташрифнинг муҳим воқеаси Ўзбекистоннинг янги халқро тузилма — Тинчлик кенгашининг асосчи давлатларидан бири сифатида эътироф этилиши бўлди. Бу, албатта, мамлакатимизнинг нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки глобал сиёсий майдондаги мавқени сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди, десак, муволаға бўлмайд.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг Глобал тинчлик йўлидаги ташаббусларга қўшилиши дунёдаги низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ва халқро хавфсизликни таъминлашда мамлакатимизнинг фаол иштироки, тинчлик учун зарур бўлса, масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлигини кўрсатиб турибди.

Шу нуктага назардан, Президентимиз саммитдаги нутқида Ҳазо секторини қайта тиклашда Ўзбекистон салмоқ-

ли ҳисса қўшилиши эълон қилди. Бу ташаббус Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ва маърифатпарварлик тамойилларига содиқлигининг ёрқин намунасидир.

Яна бир муҳим жиҳат, ташриф давомида иқтисодий соҳада эришилган натижалар Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган кўламага эга бўлди, десак, ялғишмаймиз. Келгуси уч йил давомида АҚШ билан умумий қиймати 35 млрд. долларлик иқтисодий ҳамкорлик дастури амалга оширилиши ва ушбу маблағларнинг стратегик соҳаларга йўналтирилиши мамлакатимиз барқарор иқтисодий ривожланиши учун катта имкониятлар яратади. Авиация, рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект ва киберхавфсизлик, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида истиқболли лойиҳа-

ларни рўёбга чиқаришга оид келишувларга эришилгани, албатта, эътиборга молик.

Ушбу лойиҳаларни тизимли молиялаштириш учун Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида махсус Инвестиция платформаси ташкил этилгани ҳар бир йўналишда ҳамкорлик лойиҳалари ўзининг аниқ ижро механизмига эга бўлишини таъминлайди.

Яна бир инқилобий лойиҳа Зангезур коридорининг ривожлантирилишидир. Бу йўлак Ўзбекистоннинг Европа ва жаҳон бозорлари билан боғловчи энг қисқа транспорт йўли бўлиб хизмат қилади. Бу лойиҳа Ўзбекистонни денгизга чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатдан глобал транспорт хабиға айлантириш имконини яратади.

Вашингтон саммити — Ўзбекистон учун нафақат иқтисодий манфаатлар, балки глобал сиёсий тан олинши, демек.

Ташриф натижалари яқин йилларда юртимизда минглаб янги иш ўринлари яратилиши, аҳоли фаровонлиги ошиши ва иқтисодиётимизнинг технологик жиҳатдан янгилашига хизмат қилади.

Стратегик шерикликда янги босқич

Жасур ЖУМАЕВ, Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси аъзоси:



— Ташриф доирасида ўтказилган олий даражадаги учрашувлар ва музокаралар Ўзбекистон ҳамда АҚШ ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч, прагматизм ва узоқ мuddатли манфаатлар асосида изчил ривожланаётганини таъкидлади. Хусусан, инвестиция платформасини ташкил этиш бўйича битим-

нинг имзоланиши, Эксимбанк ва Халқро молиявий тараққиёт корпорацияси билан ҳамкорликни кенгайтириш, энергетика, муҳим минераллар, қишлоқ ҳўжалиги, агросаноат ва юқори технологиялар соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувлар мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу келишувлар орқали

Тинчликпарвар сиёсат асоси

Шухрат ШАРАФУТДИНОВ, Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбарининг Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишидаги иштироки халқро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Бу Ўзбекистоннинг халқро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани ва мамлакат тинчликпарвар сиёсатини изчил амалга ошираётганини яна бир бор намоён этди.

Президентимиз саммитдаги нутқида Тинчлик кенгаши ташаббусини АҚШ Президентининг сиёсий иродаси ва прагматизми натижаси, деб баҳолади ҳамда халқро хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистоннинг ташаббусларини илгари сурди.

Халқро ҳамжамиятни ушбу тарихий имкониятдан фойдаланиб, иқтисодиёти гуллаб-яшнаган ва аҳоли учун муносиб яшаш шароитларига эга бўлган Янги Ҳазо нарп этишга қақирди. Мажародан жабр кўрган аҳолига кўмак бериш ва минтақавий барқарорликни таъминлаш учун халқро сай-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни тақлим қилди.

Саммит давомида АҚШ Президенти Ўзбекистон раҳбарини ўз дўсти деб атаб, мамлакатимизнинг халқро тинчлик йўлидаги сай-ҳаракатларини алоҳида эътироф этди. Бу эса икки давлат ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиб бораётганидан далolat беради.

Яна бир муҳим масала, ташриф доирасида икки мамлакат ўртасида савдо, инвестиция ва стратегик шерикликни чқур-

лаштириш бўйича ҳам қадамлар белгиланди. Давлатимиз раҳбари АҚШда қатор расмий учрашувлар ҳамда молиявий институтлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари билан ишбилармонлик тадбирларида иштирок этди.

Мазкур учрашувларда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг асосий танч нуқталаридан бири иқтисодиёт экани, биргаликдаги Ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг салоҳиятидан фойдаланиш муҳимлиги ургуланди. Ишбилармонлик тадбирлари якунлари эса савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикликни янада ривожлантириш, шунингдек, аниқ қўшма лойиҳаларни илгари суришга қўшима сурбат бағишлайди.

Президентимизнинг Вашингтонга ташрифи жуда самарали бўлди. Зотан, унинг доирасида икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни янги босқичга олиб чиқувчи қатор ҳужжатлар имзоланди. Иқтисодий, инвестициявий ва савдо соҳаларида америкалик ҳамкорлар билан янги лойиҳалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар янги стратегик босқичга кўтарилмоқда. Мамлакатимизнинг АҚШ билан муносабатларидаги фаол иштироки, жумладан, Тинчлик кенгашидаги роли оширилиши унинг халқро майдондаги мавқени янада кучайтиради.



«Халқ сўзи».

Президент фармони билан БМТнинг вақтинчалик чоралар тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби белгиланди.

Анжуман

Мамлакатимизнинг янгиликлар тараққиёт йўли

Пойтахтимиздаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида "Тараққиёт стратегияси" маркази ҳамда Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги ҳамкорлигида Президентимиз фармони билан тасдиқланган янги тахрирдаги "Ўзбекистон — 2030" стратегиясига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда ҳужжатнинг янгиликлар жараёни, жамоатчилик муҳокамалари натижалари, киритилган ўзгаришлар ва кутилаётган самаралар ҳақида сўз борди.



Президентимиз Мурожаатнома-си асосида тақомиллаштирилган лойиҳа "regulation.gov.uz" ҳамда "uzbekistan2030.uz" порталларида жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Бир ой давомидида 3 564 та фикр келиб тушди. Шундан 2 153 таси асосли тақлиф сифатида қабул қилинди, 751 таси такоррий, 340 таси қўллаб-қувватлов, 320 таси танқидий мулоҳазалардан иборат бўлди. Бу рақамлар аҳолининг мамлакат тақдирига дахлдор ҳужжатга бефарқ эмаслигини кўрсатади. Тақлифлар мазмуни устувор йўналишлар кесимида таҳлил қилинди. Энг кўп фикр, яъни 1 427 таси инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш, таълим шарт-шароитларини яхшилашга оид йўналишга тўғри келди. Қолган тақлифлар иқтисодий ўсиш, давлат бошқаруви самарадорлиги, хавфсизлик, экологик барқарорлик масалаларига бағишланди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш тизими йўлга қўйилди. Адлия вазирлиги ҳамда "Тараққиёт стратегияси" маркази тақлифларни ҳар кун саралаб, те-

гишли идораларга етказди. Барча ташаббуслар Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлигида кўриб чиқилди. Мухим ва амалий аҳамиятга эга тақлифлар аниқ кўрсаткичларга айлантирилди. Халқро тажриба ҳам эътибордан четда қолмади. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган анжуманда UNDP, UNICEF, UNESCO, FAO, UNFPA, ЖССТ, ЕХҲТ, ШХТ, Жаҳон банки каби тузилмалар вакиллари иштирок этди. Элчихоналар ҳамда хориждаги ватандошлар билан муҳокамалар ташкил қилинди. Бу ёндашув ҳужжат мазмуни янада бойитди.

Стратегия ижроси қатъий назоратга олинади. Барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари учун аниқ масъулият белгиланган. Биринчи раҳбарлар шахсан жавобгар ҳисобланади. Республика комиссияси ташкил этилди. Мониторинг жараёни рақамли платформа орқали юритилади, ҳар ярим йилда Президент ва парламентга ахборот тақдим қилинади.

Мазкур ҳужжат мамлакатимизнинг ўрта муддатли тараққиёт йўлини белгилаб берувчи том маънодаги дастурга айланди. Энг муҳими, унинг мазмунида одамларнинг кундалик ҳаётига дахлдор масалалар акс этган. Шу жиҳатдан "Ўзбекистон — 2030" ҳақиқий халқчил стратегия сифатида намоён бўлмоқда.

Улғубек РЎЗИМАТОВ («Халқ сўзи».)

Ўзбекистон халқро мураккаб муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшмоқда

Олий даражадаги кўп томонлама форумда қатнашиш, АҚШ сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари билан икки томонлама учрашувлар ўтказиши ўз ичига олган таширфинг фаол дастури бундан далолат беради.

Тошкентнинг очкилик, прагматизм ва конструктив мулоқот тамойилларига асосланган ишбилармонликнинг етакчи давлатлари ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Президентининг Тинчлик кенгаши мажлисидаги иштироки мамлакатнинг халқро барқарорлигини таъминлаш ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга амалий ҳисса қўшишга тайёрлигини кўрсатади.

Жаҳон иқтисодиёти ва геосиёсатида сақланиб қолаётган нотинчлик шариоитида Ўзбекистоннинг минтақалараро кооперацияни ривожлантириш ва тақши иқтисодий алоқалар-

ни диверсификация қилишга қаратилган ташаббуслари алоҳида эътиборга молик. Ишончим комилки, Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг кенгайтириш инвестицияларига жалб қилиш, илгор технологияларни жорий этиш ва миллий иқтисодиёт барқарорлигини ошириш учун қўшимча имкониятлар очади.

Инвестициялар ва савдо бўйича имзоланган битимлар тўплами расмий Тошкентнинг йирик жаҳон иқтисодиёти ва инвесторлари билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган прагматик ёндашувини акс эттиради, шунингдек, иккала иқтисодиётнинг барқарор ўсиши учун катта салоҳиятни намоён қилади, деб ҳисоблайман.

Таширфинг ишбилармонлик кун тартиби марказида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида қўшма инвестиция платформасини яратиш масалалари тиради. Вашингтонда мамлакатлар етакчилари ва АҚШнинг илгор мо-



ливи институтлари раҳбарияти иштирокида имзоланган ушбу механизм йирик инвестиция лойиҳаларини тизимли илгари суриш ва устувор тармоқларда хусусий капиталнинг амалий ҳиссасини таъминлашга қаратилган.

Шунингдек, икки давлат ўртасида қиймати 35 миллиард доллар бўлган уч йиллик Иқтисодий ҳамкорлик дастури амал қилмоқда. Бу, фикримча, тўғридан-тўғри инвестицияларни қўлайитириш ва глобал қиймат занжирларига янада чуқурроқ интеграциялашув йўлидаги муҳим қадамдир.

аҳолисининг қўллаб-қувватлашга таяниши кераклигига уруғ бериши принциплари жиҳатдан муҳим. Ушбу изоҳ Яқин Шарқ воқеалигини нозик тушуниш ва қарорларни четдан мажбурлашмасликка интилишни кўрсатади. Бу эса Ўзбекистоннинг позициясини тўғридан-тўғри ёндашувлардан ажратиб туради.

Умуман олганда, яқини декларациянинг имзоланиши ва Фазо сектори инфратузилмасини тиклаш лойиҳасида иштирок этиш Ўзбекистоннинг халқро маъқеини мустаҳкамлашга, унинг глобал институтлар билан ҳамкорлигини кенгайтиришга ва Яқин Шарқдаги можадордан кейинги тартибга бошқариш жараёнида қатнашувчи давлат мактабин мустаҳкамлашга қаратилган.

«Дунё» АА.

Теуджи ТАНАКА, Япониянинг Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш тадқиқот институти директори:

— Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонда бўлиб ўтган Тинчлик кенгашининг биринчи саммитидаги иштироки протокол доирасидан анча ташқарига чиқадиган воқеадир. Бу геосиёсий ландшафтдаги туб ўзгаришларнинг ёрқин тасвири ва ёрдам қабул қилувчи минтақадан мураккаб халқро муаммоларни ҳал этишга амалий ҳисса қўшишга тайёр масъулиятли глобал давлатга айланмаётган Ўзбекистон ташқи сиёсатининг янги сифатини намоён қилмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг саммитдаги нутқи конструктив ва масъулиятли шериклик руҳида ўтди. Иқтисодиёти гуллаб-яшнаётган ва муносиб турмуш ша-



роитларига эга бўлган Янги Фазони Янги Ўзбекистон ва Янги Тошкент концепцияларига ўхшаш тарзда барпо этиш тақлиб асосий тезис бўлди. Бу шунчаки риторика эмас, балки ишбилармонлик ўз тажрибасига асосланган муайян ўзгаришлар фалсафасини тақлиф қилишдир. Ўзбекистон етакчисининг Фазо ташқи бошқарувининг ҳар қандай механизмлари сектор

ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР ВА АНИҚ НАТИЖАЛАР

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев АҚШ Президенти Дональд Трампнинг тақлифига биноан 17 — 19 февраль кунлари амалий таширфинг билан ушбу мамлакатда бўлди. Вашингтон шахрида тасъисчи давлатлардан бири Ўзбекистон бўлган Тинчлик кенгашининг биринчи саммити юқори савияда ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари таширфинг доирасида Тинчлик кенгаши саммитидан ташқари, АҚШ расмийлари, шунингдек, қатор америкалик ишбилармон доира вакиллари билан учрашувлар ҳам ўтказди.

Нуктаи назар

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг Тинчлик кенгашини тузиш бўйича ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва ушбу жараёнда қатнашиши мамлакатимиз ташқи сиёсатининг нафақат минтақавий, балки глобал миқёсда ҳам конструктив ва инсонпарварлик тамойилларига асосланганидан далолат беради.



лиқнинг янги намунасини кўрсатаётди.

Барқарорлиқни таъминлашга қаратилган янги тузилма

Мамлакатимиз етакчиси томонидан илгари сурилган муҳим ғоя шундан иборатки, Фазонинг ҳар қандай ташқи бошқарув механизми, аввало, сектор аҳолисининг сўзсиз ички қўллаб-қувватлашига таяниши лозим. Бу ёндашув Ўзбекистоннинг халқро муносабатларда суверенитет ва халқ иродасини ҳурмат қилиш тамойилига содиқлигини кўрсатади. Маҳаллий аҳоли розилигисиз амалга ошириладиган ҳар қандай ислохот узоқ муддатли тинчликни кафолатлай олмайди. Ўзбекистон ўз позициясини нафақат баёнотлар, балки аниқ амалий ҳаракатлар билан ҳам мустаҳкамламоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг Фазо ҳудудидида тураржой бинолари, болалар богчалари ва замонавий мактаблар, тиббиёт муассасаларини барпо этишга қатнашишга тайёрлигини билдирди. Бу ташаббус тинчлик — фақат қуроллардан ўт очишни тўхтатиш эмас, балки оддий инсонлар учун муносиб ҳаёт шариоитини яратиш, деган олийжаноб фалсафани акс эттиради. Фазони қайта тиклаш йўлидаги мувофиқлаштирилган сайёҳаракатлар минтақадан узоқ қутилган барқарорлиқни таъминлайди. Ўзбекистоннинг ушбу жараёндаги фаол иштироки Яқин Шарққа, шу билан бирга, бутун дунёга тинчлик ҳамда бунёдкор-

Мамлакатимизнинг Тинчлик кенгашида иштироки Ўзбекистон — АҚШ мулоқотини янги стратегик босқичга олиб чиқишга амалий замин яратди. Барча соҳада эришилган келишувларни амалга оширишда замонавий дипломатия механизмлари, усул ва воситаларини қўллаш имкониятлари кенгайди.

Биламизки, икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил равишда кенгаймоқда. Иқтисодий кун тартиби аънаваний савдодан ташқарига чиқиб, қўшма саноат ва инвестиция лойиҳалари, логистика, фуқаро авиацияси, агросаноат комплекси, металлургия соҳаларидаги ҳамкорлик, шунингдек, таъминот занжирларини бошқаришда рақамли ва инновацион ечимларни жорий этиш каби янги йўналишларни қамраб олмақда. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги иқтисодий ва инвестиция алоқалари сўнгги саккиз йилда сези-

лашган бўлиб, ушбу тенденцияларнинг кенгайиши ва мустаҳкамлашга қаратилган тақлифларнинг амалга оширилиши, шунингдек, энергетика, муҳим минераллар қазиб олиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва ИТ соҳаларида йирик лойиҳалар илгари сурилмоқда. Буларнинг барчаси ўзаро муносабатлар салмоқли кенгайганини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон АҚШнинг фаол ҳамкори

Давлатимиз раҳбарининг таширфинг доирасида АҚШ тадбиркорлари ва компаниялари вакиллари билан ўтказган учрашувлари ҳамда эришилган келишувлар томонлар ушбу ҳамкорликни мустаҳкамлаш устида ишлашда давом этаётгани, амалий натижалар ва узоқ муддатли ҳамкорликка эътибор қаратаётганини намоён қилади.

Энг асосийси, қисқа вақтда Ўзбекистон савдо ҳамда инвести-

тармоқларни эслаб ўтиш жоиз. Ҳамкорлик доирасида ёнилғи қуйиш шохобчалари тармоғини кўриш, ёмғирлабди суғориш технологияларини жорий этиш, муҳим минералларни қазиб олиш ва етказиб бериш, паррандачилик кластерини ташкил этиш, агросаноат, молия бозорини ривожлантириш ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Эндиликда Американинг "Gulf Oil" компанияси республикамиз бўйлаб автобензин шохобчалари тармоғини яратишга киришади. Лойиҳани амалга ошириш тўлиқ хорижий инвестор зиммасига юкланади, у мамлакатнинг барча вилоятларида юзтагача ёнилғи қуйиш шохобчасини очилиши режалаштирмоқда. Шохобчалар, биринчи навбатда, йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида магистраль йўулар бўйида жойлаштирилади. Лойиҳа нафақат ҳайдовчиларга хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш, балки мамлакат транспорт инфратузилмасини модернизациялашга ҳам ҳисса қўишини мақсад қилган.

Ўтган йили ташкил этилган Америка — Ўзбекистон Ишбилармонлик кенгаши имкониятларидан фойдаланиш мавзуси ҳам эътибор марказида. Савдо ришталарини ҳамда ҳудудлар ўртасидаги тўғридан-тўғри ишбилармонлик алоқаларини кенгайтириш бўйича зарур чоралар қўрилмоқда.

Келгусида АҚШ Эксимбанки ва Халқро молия корпорацияси билан ҳамкорликда Ишбилармонлик кенгаши иши янада ривожлантирилиб, устувор ташаббусларни илгари суриш бўйича инвестиция платформаси ишга туширилади. Бу борада тизимли ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинган бўлиб, у йирик саноат ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириши, юқори технологияли ускуналарни етказиб бериши кенгайтириши кутиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг океанорига амалий таширфини натижаларга бой ва самарали бўлди. Бу тарихий таширфин нафақат икки томонлама алоқаларнинг тантанаси, балки Янги Ўзбекистоннинг дунё саноатини мустақил, прагматик ва кучли позициясининг тасдиғидир. Ушбу мулоқотлар натижаси ўлароқ, минтақамизда барқарорлик янада мустаҳкамланади, иқтисодиётимизга инновациялар кириб келади ва халқимизнинг фаровонлиги учун янги имкониятлар эшиғи очилади.

Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

“Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг Фазо ҳудудидида тураржой бинолари, болалар богчалари ва замонавий мактаблар, тиббиёт муассасаларини барпо этишга қатнашишга тайёрлигини билдирди. Бу ташаббус тинчлик — фақат қуроллардан ўт очишни тўхтатиш эмас, балки оддий инсонлар учун муносиб ҳаёт шариоитини яратиш, деган олийжаноб фалсафани акс эттиради.”

ларли ўсиш ҳамда таркибий ўзгаришларни намоён қилганги фикримизни исботлайди. Бундан саккиз йил аввал икки мамлакат Президентлари Вашингтонда учрашганида иқтисодий муносабатлар нисбатан камтарона эди. Уш пайтда 45 та қўшма корхона фаолият юритган, икки томонлама савдо ҳажми тахминан 215 млн. долларни ташкил этган. Йиллик инвестиция оқими эса 23 млн. доллардан ошмаган.

Бугун вазият кескин ўзгарди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик туфайли 2025 йилга келиб, Ўзбекистонда АҚШ билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар сони қарийб 340 тага етди. Савдо ҳажми 1 млрд. доллардан ошди, йиллик инвестиция оқими эса 840 млн. доллар бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳозирги алоқалар нафақат товарлар алмашинувини, балки ошиб бораётган саноат ва молиявий ҳамкорликни ҳам англатади. Айни пайтда 35 млрд. долларлик иқтисодий ҳамкорлик дастурини амал-

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

ТАРТИБНИ САҚЛАШГА 5 МИНГ ҲАРБИЙ ЖАЛБ ЭТИЛАДИ

АҚШ маъмурияти Фазо секторидида 5 минг нафар ҳарбийни жойлаштириш учун Халқро барқарорлаштириш кучлари базасини куришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда "The Guardian" нашрида хабар берилди.

База Фазо жанубида 1,4 квадрат километрдан зиёд ҳудудни эгаллайди. Объект 26 та зирхли кузатув минораси ва тиканли сим билан ўралади. Ҳудудда отиш майдони, бункерлар ва ҳарбий техника омборлари жойлаштирилади. Халқро барқарорлаштириш кучлари яқинда ташкил этилган Тинчлик кенгаши таркибига кириди. Хабар қилинишича, Тинчлик кенгаши БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан секторни вақтинча бошқариш ва тартибни сақлаш учун ваколат берилган.

ОИВГА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ КУРАШГА КИРИШИЛДИ

Кения Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари 2026 йилнинг март ойидан бошлаб мамлакатда ОИВ (Одам иммун танқислиги вируси) профилактикаси учун мўлжалланган "Ленасапавир" препарати қўлланилишини маълум қилди.

Мазкур дори вирусдан ҳимояланиш даражасини 99,9 фоизга етказиши билан тиббиёт оламида оламшумул восита сифатида эътироф этилмоқда. Дастур Глобал жамғарма кўмағида тақдим қилинган 21 минг доза бошланғич партия ёрдамида йўлга қўйилади. Биринчи босқичда касаллик тарқалиш кўрсаткичи юқори бўлган 15 та округ қамраб олинади.

Апрель ойига қадар яна 12 минг доза препарат етказиб берилиши кутилмоқда. "Ленасапавир" препарат АҚШнинг "Gilead Science" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, у узоқ муддатли таъсирга эга инъекцион "PrEP" (профилактика) ҳисобланади.

Маълум қилинишича, "Ленасапавир" 2025 йил июнь ойида АҚШнинг Озқ-овқат ва дори-дармонлар сифати назорати бошқармаси томонидан маъқулланган, июль ойида эса Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати тавсиясини олган.

ПАРИЖГА КЕЛУВЧИ САЙЁҲЛАР Сони ЎСМОҚДА

Расмий Вашингтон ва Париж ўртасидаги кескин сиёсий муносабатларга қарамай, 2025 йилда 5 миллиондан ортиқ америкаликлар Францияга сафар уюштирган. "Reuters" хабарига баён қилинишича, бу рақам ўтган йилдагига нисбатан 17 фоиз ўсган.

Франция Туризм вазирлиги маълумотига кўра, 2025 йилда жами 102 миллион хорижий сайёҳ келган. Париж Олимпиадаси ўтган 2024 йилда 100 миллионлик марра забт этилган эди. Бу тенденция Оқ уш маъмуриятининг Европа Иттифоқи билан савдо можазолари, Гренландия борасидаги баҳслар ва бошқа зиддиятларга қарамай содир бўлган. Таҳлилчиларнинг фикрича, сиёсий тортишувлар туристик қизиқишга тўсиқ бўла олмаган. Аммо бу йил динамика ўзгариши мумкин.

РЕЙТИНГДА ҚАЙСИ ДАВЛАТ ЕТАКЧИ?

"Euronews" хабарига кўра, Польша 2025 йилда рекорд даражадаги — 50 минг 700 та ўқотар қуролга рухсатнома берган. Бу эса рўйхатдан ўтган фуқаролик ўқотар қуролларнинг умумий сони биринчи марта 1 миллиондан ошишига сабаб бўлган.

Ўтган йил охирига келиб, фаол рухсатномалар сони 411 минг 769 тага етган. Ушбу кўрсаткич 2015 йилдаги рақамдан икки баравар кўп. Эгаллик ҳуқуқининг қўлайиши 2022 йилда бошланган. Ушундан 2021 йилги 19 минг 939 тага нисбатан 37 минг 402 та янги рухсатнома берилган. Ўсиш суръатларига қарамай, ҳар 100 польшаликка тахминан 2,5 та ўқотар қурол тўғри келган. Бу Европа Иттифоқидаги энг паст кўрсаткичдир.

Финляндия ҳар 100 кишига 32,4 та қурол билан рейтингда етакчилик қилмоқда. Ундан кейинги ўринларни Австрия (30 та) ҳамда Кипр (29,1) эгаллаган. Польша қонунлари алкоголь таъсирида қурол олиб юриш ёки унга эгаллик қилишни қатъиян тақиқлайди.

2036 ЙИЛГИ ОЛИМПИАДА ГЕРМАНИЯДА БЎЛМАЙДИ

Германия Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер 2036 йилги ёзги Олимпия ўйинларига мамлакатнинг мезбонлик қилиши ғосисини мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди.

"Президент 2036 йилни тарихий сабаблар туфайли Германиянинг номзодлиги учун муаммолли деб ҳисоблайди. Давлат раҳбари Олимпия ўйинлари 2040 ёки 2044 йилда Германияда ўтказилишига умид қилмоқда", дейилади тарқатилган хабарда.

Таъкидланишича, Германиянинг бўлажак номзодлиги атрафидидаги муҳокамалар нацистлар Германиясининг 1936 йилги Олимпиядага мезбонлиги билан боғлиқ. Адольф Гитлер режими ушбу тадбирдан тарғибот мақсадида фойдалангани сабабли, немис сиёсатчилари воқеадан роппа-рога 100 йил ўтиб яна ўйинларни Германияда ўтказиш масаласига танқидий ёндашмоқда.

Эслашиб ўтамиз, Германия ёзги Олимпия ўйинларига 1936 йилдан кейин яна бир марта — 1972 йилда Мюнхенда мезбонлик қилган эди.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

МИЛЛАТНИНГ ГЕНЕТИК КОДИ ВА ТАРИХИЙ ХОТИРАСИ

Маълумотларга кўра, аини пайтда дунёда 7 мингдан ортиқ тил ва лаҳжалар бўлиб, уларнинг атиги 560 таси давлат ҳамда ўқув-тарбия соҳаларида фаол қўлланилади. 43 фоизи йўқолиш хавфи остида. Таълим тизимлари ва умумхалқ хўжалигида фақат бир неча ўз тил алоҳида ўрин тутати, рақамли дунёда эса юздан кам тил ишлатилади. Шунингдек, тилнинг мавжуд бўлиши учун 100 мингдан ортиқ кишилар шу тилда сўзлашиши даркор. Энг кенг тарқалган ва фаол ишлатиладигани — инглиз, хитой, рус, француз, испан, ҳинд, португал ва араб тиллари бўлиб, уларда кўплаб одамлар сўзлашади.



Зарурий бўлиб, улар ўзаро диалектик алоқадор тушунчалардир. Миллат, давлат, жамият тараққиёт килар экан, унинг тили ва тилшунослиги ҳам ривожланиб боради. Давлат, жамиятдаги ўзгаришлар, биринчи навбатда, тилда, хусусан, унинг лексикаси — лугат бойлигида ўз аксини топади. Модомики, тил ижтимоий характерга эга экан, ижтимоий ҳаётда юксалиш тилдаги юксалишни белгилаб беради, ўз навбатида, тилшунослик тараққиёти жамият, давлат рақамлига ўз таъсири кўрсатади.

Қолаверса, тил — миллатни миллат қилувчи восита, жамият кўзгуси. Зеро, унда бизнинг қиёфамиз, маънавиятимиз акс этади, миллат вакилининг маънавиятини намоян қилади. Мустақиллик даврининг энг улуг имконияти ва наъматларидан бири, бу — ўзбек тилининг обрў, эътибор топиши, давлат тили мақомини олиши бўлди, десак, муболаға эмас. Шунга кўра, бугунги кунда ўзбек тили миллий мафкурамизнинг тарқийби қисмлари ва мустақиллигимизнинг бош белгиларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги обрўси, қўлланишини кенгайтиришда бир неча муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши тарихий аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, 2020 йил 10 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан 21 октябрь санаси Ўзбек тили байрами куни этиб белгиланди. Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2025 йил 20 октябрдаги "Давлат тилини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва бошқа ҳужжатлар миллий забонимизнинг юртимиз ҳамда халқаро микёсда нуфузини ошириш, қўлланилиш имкониятини кенгайтириш, софлигини сақлаш ва мунтазам бойитиб бориш, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлашда дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва эллатлар истиқомат қилади. 21 февраль санаси эса улар учун ҳам катта байрам. Чунки жонахон

ва адабиёти университетиде қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзининг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда олийгоҳ айнан шу соҳада кадрлар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳозирги кунда бу ерда тахсил олаётган талабаларга Она тилини ўқитиш методикаси ва Ўзбек тилини ўқитиш методикаси фанлари алоҳида ўқитилмоқда. Хусусан, Ўзбек тилини ўқитиш методикаси фани айнан 2 модуль асосида ўқитилади. Биринчиси — ўзга тилли гуруҳларда (таълим рус, тожик, қозоқ ва бошқа) ўзбек тилини ўқитиш методикаси, иккинчиси эса хоризжликларга ўзбек тилини ўқитиш методикаси.

Ҳозирги кунда Ўзбек тили ва уни

лакатлар ёшлари, славян халқлари вакиллари ўзбек тилига хос бўлган товушларни тўлиқ ва тўғри талаффуз қила олмасалар ҳам уларда ўзбек тилини ўрганишга бўлган интилиши юқори. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистонга келиб таълим олмақда. Шунингдек, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Украина, Россия каби давлатларнинг айрим университетларида ўзбек тили фан сифатида ўқитилади. Шунга кўра, фаолиятнинг иккинчи қирраси хоризжликларга ўзбек тилини ўқитиш ва ўргатиш ишлари ҳисобланади. Шу мақсадда, университетда, аввало, дунё микёсиде ўзбек тилининг ўқитилиши ва ўрганилишига доир маълумотлар базаси шакллантирилди, қатор хоризжий олий таълим муассасалари билан академик алмашинув йўлга қўйилган.

Жорий йилда ҳам Халқаро она тили куниде ЮНЕСКО шафелигида бутун дунё бўйлаб нутқий ўзига хосликни ҳимоя қилишга йўналтирилган бир неча акциялар ўтказилмоқда. Жонахон Ўзбекистонимизда, хусусан, бизнинг университетда ҳам Халқаро она тили кунини кенг нишонланяпти.

Тил — инсонни бутун борлиқдан устун қилиб турган бемисл қудрат, миллатнинг қалби, руҳи, ўтмиши, бугуни, келажаги, орзу ва армонлари ҳамда ўзлиги бўлиб, инсоният ривожланиб бораётган экан, тил тараққиёти ҳам абадийдир. Ҳар биримиз ўз лисонимизни кўз қорачигимиз каби асраб-авайлашимиз, эъзозлашимиз, янада бойитишимиз зарур, токи у келгуси авлодга биздан соф ва бой мерос бўлиб қолсин.

Саодат МУҲАМЕДОВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ўзбек тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор.

“Ўзбек тилида ҳам бугунги кунда 50 миллиондан кўп инсонлар мулоқот қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек тилининг салоҳияти ниҳоятда катта. Дунёнинг кўплаб лисонлари қаторида ўзбек тили ҳам минтақавий ва глобал коммуникация тили сифатида ривожланиш имкониятига эга. Бунинг учун эса уни фақат кундалик мулоқот унсури эмас, балки илм-фан, инновация, бизнес, рақамли технологиялар ва халқаро ҳамкорлик воситаси сифатида ривожлантириш зарур.”

Ватанимизда ҳар бир миллатнинг ўз она тилини ривожлантириши учун барча шарт-шароит яратилган. Таълимнинг 7 та — ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, тожик ва туркман тилларида олиб борилишининг ўзбек ўзга миллат вакилларига ўз она тилида савод қилиши имкониятини беради.

Турли миллат вакиллари бўлган ўзбекистонликлар бир неча хоризжий лисонларни мукамал ўзлаштириши билан бирга давлат тили бўлган ўзбек забонини ўрганиши исташади. Бу борада Тошкент давлат ўзбек тили

ўқитиш методикаси кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан таълим йўналишлари учун янги авлод ўқув адабиётлари яратилди ва излаштирилган давлат этмоқда. Нафақат ўзбекистонликлар, балки дунё халқлари ўзбек тилини ўрганаётганлиги, бизнинг тилимизда эркин суҳбат кураётганликларини кўриб, фахр ва ифтихор ҳиссини туясан киши.

Хусусан, Япония, Хитой, Жанубий Корея ёшларининг ўзбек тилига бўлган қизиқиши жуда кучли. Улар бемалол соф ўзбекча сўзлаша олади. Гарчи АҚШ, Германия ва бошқа мам-

сиқа ва рақсларнинг уйғунлигини юқори баҳолаб, ижодий жамояни улкан муваффақият билан қутлади. Маҳаллий аҳоли ва санъатшунослар томонидан “Ҳақиқий маданий ҳордиқ” дея баҳоланган спектакль якунида томошабинлар ўзбек балети ижодкорларини анча вақт тик ҳолда олқушлади. Бу каби тадбирлар ўзбек миллий рақс санъатининг жонахон маданий майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

ЕИ делегациясининг ЕХХТдаги доимий вакили Раса Остраускайте эса муборак Рамазон ойи бошланиши муносабати билан ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, деҳқон бозорлари ва йирик савдо мажмуаларида арзонлашган озиқ-овқат ярмаркаларини ташкил қилиш буйича топшириқ берган эди.

Мухбир

Катта газетада кичик мухбирман,
Ҳаётдан излайман мавзу, мақола.
Қоғоз-қалам билан туташ тақдирман,
Ёзганларим элу юртга ҳавола.

Кўнгли соғингани каби баҳорини,
Гавҳар ярашгандек узук кўзига.
Фикр янги бўлса, ташбеҳ оҳорли,
Қулоқ солади эл мухбир сўзига.

Ўқувчилар фикри асосий мезон,
Баҳолар нимага қодирлигинини.
Дунёга сўз айтиш эмасдир осон,
Ижодда исбот-ла ботирлигинини.

Саҳифалар юздор, сарлавҳалар қош,
Ойдек газетанинг бўлай адоси.
Тишга ботганидек оидан чиққан тош,
Сўзда ўтиб кетса имло хатоси.

Текириб ҳар битта саҳифасини,
Боқиб хабарларга, бош мақолага...
Бежирим газета лойиҳасини
Ниҳоят элтаман босмахомага.

Гўё ошиқ йиғит оқшом беқарор
Қутгандек севимли қизни интизор —
Тун бўйи навбатчи бўлиб вафодор,
Газета дийдорин пойлайман бедор.

Янги газетадан анқийиб бўёқ,
“Наишга ижозат!” чекаман имзо.
Кўчага чиқаман, жим-жит ҳаммаёқ,
Тонг отар, ҳадемай қатнайди метро.

Газета тандирдан узилган нондек,
Ахборот асрида тотли нонушта.
Маънавий озуқа томирда қондек,
Юрак тоза бўлар, кўнгли сарришта.

Ўйга қайтганимда юракни гаишлар:
“Тунда келмадингиз...” — дейди аёлим.
Совуван оқватни ейман ёнбошлар,
Газетага кетар яна хаёлим.

Ҳаётим боғланган тахририятга,
Мени қалам билан сийлаган тақдир.
Ҳақиқат, адолат, эззу нишга
Масъул мухбирдирман, жавобгар мухбир.

Рустам МУСУРМОН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Қорақалпоғистон халқ шоири.



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ шаҳар ва туманларида ҳам аҳолига қулайлик яратиш мақсадида арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилди.

Термиз шаҳридаги “Яшил дунё” марказий деҳқон бозори худудидеги ярмаркада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг кўп турдаги маҳсулотлари арзон нархларда сотувга чиқарилди. Барча маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлиги назоратга олинган, нархлар эса аҳоли учун мақбул даражада белгиланган.

— Ярмарка жуда тартибли, маҳсулотлар ҳам сифатли. Энг муҳими, нархлари ҳамёнбоп. Бу ердан барча зарур товарларни топиш мумкин. Рамазон ойида бундай қулайликлар бизни мамнун этмоқда, — дейди Гулчехра Абдуллаева.

Ярмарка фақат нархларни барқарорлаштириш билан чекланиб қолмай, аҳолига сифатли маҳсулотлар тақдим этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва харидорлар учун қулай имкониятлар яратишга хизмат қилмоқда.

«Халқ сўзи».

АВСТРИЯДА «ЛАЗГИ» СПЕКТАКЛИ

Австриянинг қадимий Зальцбург шаҳридаги Катта фестиваллар зали саҳнасида “Лазги — муҳаббат ва қалб рақси” номли Ўзбекистон миллий балети спектакли намойиши бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси кўмагида ташкил этилган ушбу тадбир Австрия, Германия, Швейцария ва Европанинг бошқа мамлакатларидан икки мингга яқин сиёсий, иқтисодий ва маданий доира вакиллари, Вена ва Зальцбургдаги дипломатик корпус ҳамда ватандошлари

мизни бир даврага жамлади. 2021 йилда Тошкентда премьераси ўтказилган мазкур спектакль қисқа вақтда Дубай, Истанбул, Париж, Лондон, Пекин каби жаҳоннинг йирик санъат марказларини забт этгани томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Европалик санъат илосмандлари Янги Ўзбекистоннинг “ташриф қоғози”га ай-

ланган ушбу лойиҳанинг кучли хореографияси, ўзига хос ёруғлик эффекти ва миллий анъаналар талқинини алоҳида эътироф этди.

Австриянинг “Global Neighbours” ташкилоти раҳбари Жованка Порше спектакль ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашиб, “Бу ҳаяжон ва энергияга тўла ажойиб намойиш бўлди. Ушбу балет мен севиб томоша қилган концертлар қаторидан жой олди”, дея таъкидлади.

ЕИ делегациясининг ЕХХТдаги доимий вакили Раса Остраускайте эса му-

сиқа ва рақсларнинг уйғунлигини юқори баҳолаб, ижодий жамояни улкан муваффақият билан қутлади.

Маҳаллий аҳоли ва санъатшунослар томонидан “Ҳақиқий маданий ҳордиқ” дея баҳоланган спектакль якунида томошабинлар ўзбек балети ижодкорларини анча вақт тик ҳолда олқушлади. Бу каби тадбирлар ўзбек миллий рақс санъатининг жонахон маданий майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

«Дунё» АА.
Зальцбург

РАМАЗОН ТУҲФАСИ

Юртимиз бозорларидаги мўл-кўлчилик том маънода эл дастурхони тўқинчилигини ифодалайди. 13 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз

Шукуҳ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА мазкур топшириқ ижроси доирасида барча шаҳар ва туманларда қиллоқ хўжалиги маҳсулотларининг арзонлаштирилган савдо ярмаркалари фаолият бошлади. Бу эса Рамазон ойида халқимизни арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилади. Ярмаркада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда фермер хўжалиқлари томонидан

етиштирилган мева, сабзавот, дон, гўшт ва суг маҳсулотлари бозор нархидан арзонроқ сотувга қўйилди.

— Рамазон ойида озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлаштирилиши жуда яхши ташаббус, — дейди меҳнат фарииси Умрбек Шомуродов. — Масалан, ярмаркада 1 килограмм гўшт бозордагига нисбатан даяри 30 — 40 миң сўм арзон тураркан. Бу эса, айниқса, кўп

болали оилалар учун катта ёрдам. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари эҳтиёжманд оилаларга хомийлик йўли билан етказиб берилаётгани ҳам таҳсинга сазовор. Рамазон ойида уюштирилган бу каби ярмаркалар нафақат аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондириш, балки халқимизнинг меҳр-оқибат ва саховат анъаналарини намоян этишга ҳам хизмат қилмоқда.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ҳам аҳолига қулайлик яратиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархи суъний ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида арзонлаштирилган савдо ярмаркалари йўлга қўйилди.

— Ушбу расталардаги маҳсулотларнинг нархини бозор баҳоси билан солиштирилган бу ерда нархлар анча арзон эканлиги кўринади, — дейди Андижон туманидаги “Қум кўча” МФЙда истиқомат қилувчи Одинахон Ортиқова. — Масалан, картошканинг бир килоси вилоят марказидаги деҳқон бозориде 7,5 миң сўмдан сотилаётган бир пайтда арзонлаштирилган савдо ярмаркасида 4,5 миң сўмни ташкил этмоқда. 5 литр листа ёғини 95 миң сўмга сотиб олдим. Бозорда эса унинг нархи 120 миң сўм. Мана шундай қулай шароит яратиб берилганидан миннатдоримиз.

Вилоятнинг 16 та худудиде иш бошлаган расталарда 30 турдан зиёд маҳсулотлар бозор нархига нисбатан 15 — 25 фоиз арзон сотилиши йўлга қўйилди.

Мулоқот

АДАБИЁТ — ХАЛҚНИНГ ЮРАГИ

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Беш муҳим ташаббус” доирасидаги маънавий-маърифий тадбирлар ёшлар маънавиятини юксалтириш билан бирга, китобхонлиқни тарғиб этиш, ўғил-қизларнинг мутолаага қизиқиши ва маънавий дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилмоқда.



Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилган “Адабиёт — халқнинг юраги” мавзусидаги адабий тадбир ҳам ана шу эзгу мақсадларни ўзида яққол ифода этди. Унда шоир ва ёзувчилар, университет талабалари ва профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Тадбирда бадиий адабиёт инсон тафаккурини, дунёқарашини шакллантириши, китоб эса адабий мерос ҳамда янги асарларни ёшлар онгига сингдиришининг самарали воситаси экани тўғрисида сўз юритилди. Шунингдек, китобхонлиқни кенг тарғиб этиш ёшларнинг тафаккурини чарқлаш, уларни маънавий баркамолликка етаклашда муҳим омил экани алоҳида таъкидланди.

Адабий кечада Президентимизнинг “Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат хомийси Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги тарихий қарори аҳамияти ёшларга тушунтирилди. Шунингдек, Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳоншумул хизматлари алоҳида қайд этилди. Улуг боболаримиз дунёга берган биринчи ва иккинчи Ренессанс давлатида халқимиз билан бирдамликда учинчи Ренессанс пойдеворини

яратишимизга мустаҳкам асос бўлажаги ҳақида фикр билдирилди.

Тадбирда талаба-ёшларга китобнинг инсон маънавиятига таъсири, инсоннинг руҳий ҳамда ахлоқий ўсиши учун зарур восита экани хусусида муҳим маълумотлар берилди. Китоб ўқиш орқали инсон ўзининг ички дунёсини бойитиши, тафаккурини кенгайтириши ва ахлоқий қадриятларни шакллантириши тушунтирилди.

— Китоблар нафақат билим беради, балки инсоннинг дунёқарашини шакллантиради, уни тўғри йўлга солади ва маънавий-руҳий камол топишга ёрдам беради, — дейди иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Баҳодир Ҳасанов. — Китоблар орқали инсон ўз фикрлаш қобилиятини оширади. Ўзга дунё, бошқа ва улардан фойдаланган ҳолда жамиятда ўз ўрнини топишга хизмат қилади. Китоб ўқиган инсон ўзининг ижтимоий маъсулиятини, фуқаролик позициясини чуқур англайди.

Адабий кечада она Ватан, баҳор, ёшлик ва талабалар мавзусидаги шеърлар ўқилди.

«Халқ сўзи».

2027 йил 1 январдан бошлаб ўлчаш воситаларини қиёслаш амалиётидан воз кечган ҳолда, қонунлаштирувчи метрология доирасида верификациялаш тизими жорий этилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 25 654 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқуб олиш учун QR-коднинг телефонини орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6784

Тахририятга келган кўлабмақал тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газетанинг тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буёқ Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 20.50

Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6